

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАДЖМИТДИНОВА ДИЛБАРХОН АБДУЛЛАЖОН КИЗИ**

**ТАШҚИ ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРИОЗНИНГ ТУҒИШ ЁШИДАГИ  
АЁЛЛАР РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон– 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Наджмитдинова Дилбархон Абдуллажон кизи</b> Ташқи генитал эндометриознинг туғиш ёшидаги аёллар репродуктив tizимига таъсири .....	3
<b>Наджмитдинова Дилбархон Абдуллажон кизи</b> Влияние наружного генитального эндометриоза на репродуктивную систему женщин фертильного возраста .....	23
<b>Nadjmitdinova Dilbarxon Abdullajon qizi</b> Influence of external genital endometriosis on the reproductive system of women of childbearing age .....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works</b> .....	48

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАДЖМИТДИНОВА ДИЛБАРХОН АБДУЛЛАЖОН КИЗИ**

**ТАШҚИ ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРИОЗНИНГ ТУҒИШ ЁШИДАГИ  
АЁЛЛАР РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон– 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3465 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Асранкулова Дилорамхон Бахтияровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Зуфарова Шахноза Алимджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Муминова Нигора Хайрутдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170127, Андижон ш., Ю. Отабеков 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-60, e-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170127, Андижон ш., Ю. Отабеков 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-60.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. Ш. Арзикулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш. О. Тошбоев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**О. А. Якубова**

Илмий даражаларни берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, эндометриоз репродуктив ёшдаги аёлларнинг 10-15% ида ва бепуштлик билан оғриган аёлларнинг 30-50% дан кўпроғида аниқланади ва нафақат репродуктив саломатликка, балки аёлларнинг ҳаёт сифатига, ижтимоий фаоллиги ва рухий-эмоционал ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Дунё бўйлаб ҳар 10 нафар репродуктив ёшдаги аёлдан 1 нафари эндометриоздан азият чекади. World Endometriosis Society (WES) ва ЖССТ эндометриозни “кўп йиллар давомида нотўғри ташхис қўйиладиган, етарли даражада тадқиқ этилмаган ва кўпинча эътибордан четта қолган глобал аёллар саломатлиги инқирози” сифатида эътироф этган<sup>1</sup>. Шунингдек, бу касаллик бўйича халқаро даражада ягона клиник ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги, ташхислашнинг кечикиши эса аёлларнинг дард билан бир неча 10 йиллар давомида яшашига олиб келиши таъкидланган<sup>2</sup>.

Жаҳонда эндометриоз нафақат тиббий, балки ижтимоий, иқтисодий ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масала сифатида қаралмоқда. Эндометриоз глобал даражада аёллар саломатлигини кескин хатар остига қўйган касаллик сифатида, оғир асоратлар билан бирга сурункали оғриқ, бепуштлик, ички орган зарарланишлари, юрак касалликлари ва саратон хавфини кескин оширади. Эндометриознинг клиник белгиларининг хилма-хиллиги, унга хос бўлмаган симптомлар, ва илгари инвазив ташхисга таянилган амалиёт сабабли кўплаб аёллар йиллар давомида нотўғри ташхис билан яшашига мажбур бўлишади. Натижада эса эндометриоз билан оғриган аёлларнинг 42% ида овариал захиранинг пасайиши кузатилган. Шунинг учун бу касалликни эрта ташхислаш, даволашнинг самарали стратегияларини яратиш, касалликдан кейинги реабилитация ва беморларнинг ҳаёт сифатини тиклашга йўналтирилган тизимли ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши бу глобал инқирозга қарши курашишнинг асосини ташкил қилади.

Мамлакатимизда эндометриозни бир хил стандарт асосида ташхислаш ва даволашни йўлга қўйиш, репродуктив ёшдаги аёлларга тўғри кўмак кўрсатиш, стандартлаштирилган ёрдамни тақдим этиш мақсадида клиник қўлланма ишлаб чиқилган. Унда ҳар хил ёшдаги аёллар гуруҳларига эндометриознинг турли шакллари учун мос алгоритмлар, клиник, лаборатория ва инструментал диагностика воситаларига асосланган ёндашув, ҳомиладорлик билан боғлиқ оқибатлар, даволашнинг гормонал ва жарроҳлик йўналишларига оид энг муҳим тавсиялар ёритиб берилган<sup>3</sup>. Шунга қарамай, кўплаб ҳолатларда касаллик фақат бепуштлик

<sup>1</sup>Endometriosis. Geneva: WHO; 2023. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/endometriosis>

<sup>2</sup>International Federation of Gynecology and Obstetrics (FIGO). Global survey on endometriosis diagnosis. Published 2024. Accessed July 13, 2025.

<sup>3</sup> Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази. Эндометриоз касаллигини ташхислаш ва даволаш бўйича клиник протокол. -Тошкент. -2023. № 9.

ривожлангач аниқланмоқда, бу эса кеч диагностика ва кечиктирилган даволанишга олиб келмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да «репродуктив ёшдаги аёллар учун юқори технологик тиббий хизматларни жорий қилиш ва бирламчи тиббий хизмат тизимини мустаҳкамлаш...»<sup>4</sup> каби вазифалар белгиланган. Шу боис, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида эндометриозни эрта аниқлаш, унинг патогенезини чуқур ўрганиш ҳамда замонавий, органсакловчи даволаш усуллари жорий этиш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 9-августдаги ПҚ-296-сон «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 26 июлидаги ПҚ 5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эндометриоз кўп жиҳатдан ўрганилган касаллик бўлишига қарамасдан, у ҳануз мураккаб, кўп тизимли таъсир кўрсатувчи ва тўлиқ ёритилмаган патологиядир. Сўнгги йилларда касалликнинг клиник оқибатлари, ташхислаш ва даволаш усуллари юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бу йўналишда ҳануз ечимини топмаган қатор илмий ва амалий муаммолар мавжуд. Эндометриозни даволашда лапароскопия усули, магнит-резонанс томографияси ва трансвагинал ултратовуш текширувлари чуқур инфилтратив эндометриозни аниқлашда сезиларли даражада ёрдам бермоқда. Шунга қарамай, касалликнинг эрта босқичларини симптомлар бошланишидан оқ аниқлашнинг сезгир, инвазив бўлмаган усуллари мавжуд эмас. Бу эса ташхис кечикишига ва касалликнинг оғир шакллари ривожланишига олиб келмоқда. Эндометриознинг сунъий уруғлантириш натижаларига салбий таъсири, тухумдон захирасининг камайиши ва ҳомиладорликнинг оғир кечиши ўрганилган<sup>5</sup>. Бироқ эндометриознинг репродуктив саломатликка узоқ муддатли таъсири, айниқса ҳомиладорлик ва постпартум даврда кўрсатадиган ўзига хос клиник жиҳатлари ҳануз етарли даражада баҳоланмаган.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ–60-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 28.01.2022-й.

<sup>5</sup> Xiang Y, Wang G, Zhou L, Wang Q, Yang Q. A systematic review and meta-analysis on transvaginal ultrasonography in the diagnosis of deep invasive endometriosis. Ann Palliat Med. 2022;11(1):281-290.

Эндометриознинг такрорий ва кенг тарқалган табиатини ҳисобга олган ҳолда, жисмоний нуқсонлари ёки касалликнинг оғир босқичларида бўлган беморларга, асосан, жарроҳлик йўли билан даволаш тавсия этилади (Martinez-Zamora ва ҳаммуал., 2021; Van Niekerk ва ҳаммуал., 2022). Бироқ олиб борилган тадқиқотлар эндометриоз босқичлари билан жарроҳлик натижалари ўртасидаги аниқ боғлиқликни кўрсата олмаган. Эндометриознинг эпидемиологик кўлами, клиник фенотиплари, ташхис ва даволашга оид илғор концепцияларни чуқур таҳлил қилинган ишлар мавжуд (Zondervan К.Т. ва ҳаммуал. 2020). Шу билан бирга, эндометриозни даволашда замонавий гормонал ва мақсадли терапия усулларининг афзалликлари ҳамда чекловлари, шунингдек, бу ёндашувларнинг репродуктив саломатликка узоқ муддатли таъсирини баҳолашга оид хулосалар мавжуд (Taylor Н.С., Guidise L.С. ва ҳаммуал. 2021). Аммо эндометриознинг турли хил клиник турларини бошқариш, лапароскопик аралашувларни тиббий аралашувлар билан солиштириш ва овариал резервга таъсирини баҳолашга қаратилган тўлиқ тадқиқотлар ҳозиргача етарли даражада олиб борилмаган.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан (Хамроева У.Ж., ва ҳаммуал., 2024) сурункали эндометриозни даволашда гинекологик, жарроҳлик ва комплементар терапия элементларини ўз ичига олган мултидисциплинар ёндашув ишлаб чиқилган. Мазкур ёндашув натижасида беморларда оғриқ синдромининг камайиши, ҳайз циклининг меъёрлашуви, психо-эмоционал ҳолатнинг яхшиланиши, репродуктив саломатлик ва умумий ҳаёт сифатининг ошиши каби бир қатор ижобий клиник ўзгаришлар кузатилган. Шунингдек, эндометриознинг клиник манзараси ўрганилиб (Муфтаидинова Ш.К., ва ҳаммуал., 2023), иккиламчи дисменорея ва касалликнинг бошқа симптомларига гормонал терапиянинг таъсири таҳлил қилинган ва касалликнинг эрта босқичларини аниқлаш имконини берадиган клиник огоҳлантирувчи белгилар аниқланган. Бироқ, тадқиқотлар фақат клиник белгиларга асосланган бўлиб, инвазив ёки лаборатор текширувлар каби объектив ташхис усуллари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб, эндометриознинг мураккаб патогенез механизмлари, клиник кечишининг индивидуал хусусиятлари ҳамда турли терапевтик усулларнинг, айниқса минимал инвазив муолажалар - склеротерапия ва абляциянинг тухумдон резерви пасайган беморлардаги клиник самарадорлигини комплекс баҳолаш тиббиёт соҳасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб, аёлларда касалликни узоқ муддатли кечиши ва репродуктив функцияга салбий таъсирини олдини олиш имкониятини яратади. Бу борадаги маълумотларнинг етарли эмаслиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини шакллантирди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот

ишлари режасига мувофиқ 21071401-сон «Ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратларини эрта аниқлаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ташқи генитал эндометриози бўлган аёлларда ташхислаш ва даволашнинг дифференциал ёндашувини оптималлаштириш орқали тухумдон заҳирасини сақлаб қолиш ва репродуктив функцияни тиклаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тухумдон эндометриозига чалинган беморларда тухумдон резервини баҳолашда 3D ултратовуш текшируви ва энергияли доплер картографиясининг диагностик имкониятларини патогенетик ва клинко-функционал асосда тавсифлаб бериш;

эндометриома ўлчамлари ва овариал захиранинг функционал ҳолатига қараб орган сақлаб қолувчи хирургик аралашувларни (криоцистэктомия қилиш, электр токи билан абляция қилиш, склеротерапия) танлаш тактикаси ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

тухумдон эндометриозида аспирацион-склерозловчи аралашувни ўтказиш учун беморларни танлаб олишга хизмат қилувчи клинко-диагностик мезонлар тизимини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш, ушбу усулни қўллашга қарши кўрсатмаларни аниқлаш ҳамда уни комплекс даволаш таркибида терапевтик самарадорлигини баҳолаш;

тухумдон эндометриози билан ҳасталанган беморларда жарроҳлик муолажасидан сўнг табиий фертиллиқнинг тикланиш самарадорлигини ўрганиш ва репродуктив натижаларни оптималлаштириш мақсадида ҳомиладорликка тайёргарлик алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот обекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали гинекология бўлимига турли даражадаги ташқи генитал эндометриоз ташхиси тасдиқланган бепушт аёлларнинг 110 нафари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тухумдон эндометриозига чалинган беморларда 3D ултратовуш, энергияли доплер ва гормонал мезонлар асосида тухумдон резервининг диагностик параметрлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари** умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усулларни ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёлларда 3D ултратовуш текширувида антрал фолликулалар сони (AFC), тухумдон ҳажми ҳамда васкуляризация индекслари тухумдон резерви билан ишончли тарзда боғлиқ экани ( $p < 0,01$ ) исботланган ва энергияли доплер усули ёрдамида тухумдон резервининг паст даражасини аниқлаш сезувчанлиги 87,5%, спецификлиги эса 81,3% эканлиги очиб берилган;

совуқ усулдаги кистэктомия ўтказилган гуруҳда антимюллер гормони (АМГ) даражаси ўртача 39,2%га пасайгани, абляциядан кейин 26,5%га пасайгани, склеротерапиядан кейин эса атиги 11,8%га пасайгани кузатилганлиги билан склеротерапия усулининг тухумдон резервини сақлашда устунлиги исботланган;

тухумдон эндометриозини даволашда склеротерапия усулини қўллаш учун клиник-диагностик мезонлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у орқали киста ўлчами  $\leq 5$  см, АМГ  $\geq 1,5$  нг/мл, AFC  $\geq 7$  ва доплер бўйича васкуляризация индекс (VI)  $\geq 2,0$  бўлган беморлар энг мақбул номзодлар сифатида белгиланган, шунингдек, VI  $< 1,2$ , тухумдон капсуласининг фиброз зичлашуви ва оғир даражадаги адгезиялар ушбу усулга қарши кўрсатмалар сифатида аниқланган;

туғиш ёшидаги аёлларда тухумдон захирасини сақлаб қолиш ва репродуктив функцияни тиклашга йўналтирилган комплекс прегравидар тайёргарлик алгоритми асосида табиий йўл билан ҳомиладорликка эришиш кўрсаткичи 2,6 бараварга юқори бўлгани ( $p < 0,01$ ) билан ушбу ёндашувнинг самарадорлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Фертил ёшдаги аёлларда тухумдон эндометриомаларини даволашда овариал захирани сақлаш ва репродуктив имкониятларни оширишга қаратилган комплекс ёндашув доирасида склеротерапия учун кўрсатмалар тизимлаштирилиб, 96% этанол учун оптимал экспозиция вақти аниқланди. Абляция усулида биполяр электрожарроҳликни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, операциядан кейинги прегравидар тайёргарликда гормонал терапия усуллари асосланди ва микродозирланган прогестерон, паст дозалик гепарин ҳамда витаминлардан фойдаланиш самарадорлиги клиник жиҳатдан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалий назарий ёндашувлар, ўтказилган тадқиқотнинг услубий тўғрилиги, материалнинг етарли ҳажми, шунингдек текширилган беморларнинг вакиллик сони билан тасдиқланади. Бундан ташқари, ишонччилик бир-бирини тўлдирадиган замонавий усуллар, жумладан, умумий клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари билан таъминланади. Тадқиқот натижалари халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланди, олинган хулосалар ва маълумотлар ваколатли органлар томонидан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи генитал эндометриозни эрта аниқлаш учун 3D ультратовуш текшируви, энергияли доплер усули ҳамда АМГ, ФСГ ва васкуляризация индекси каби кўрсаткичларнинг тухумдон захираси билан боғлиқлигини ўрганиш эндометриозни ташхислашда янги тушунчаларни олиб киради. Склеротерапия, абляция ва кистэктомия усуллари билан овариал тўқимага таъсирини ўрганиш орқали репродуктив саломатликни

сақлашда даволашнинг янги стратегияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган замонавий илмий ёндашувларни шакллантириш учун илмий асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Эндометриозни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш репродуктив натижаларни яхшилаб, беморларда табиий ҳомиладорликка эришиш имкониятларини оширади. Склеротерапия учун клиник мезонлар тизими ва прегравидар тайёргарлик алгоритмини жорий этиш амалиётда хавфсиз, самарали ва индивидуал ёндашувларни танлаш учун замин яратади.

**Тадқиқот натижаларини татбиқ этилганлиги.** ТГЭ билан оғриган аёлларнинг тухумдонлар захирасини сақлашга қаратилган тадқиқотнинг илмий натижаларига кўра:

**биринчи илмий янгилик:** аёлларда 3D ултратовуш текширувида антрал фолликулалар сони (AFC), тухумдон ҳажми ҳамда васкуляризация индекслари тухумдон резерви билан ишончли тарзда боғлиқ экани ( $p < 0,01$ ) исботланган ва энергияли доплер усули ёрдамида тухумдон резервининг паст даражасини аниқлаш сезувчанлиги 87,5%, спецификлиги эса 81,3% эканлиги очиб берилганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 24-октабрда бi-72/у сон билан тасдиқланган “Репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи генитал эндометриозни даволаш тактикасини оптималлаштириш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий маркази Наманган вилояти филиалида 2024-йил 3-ноябрдаги 34-сонли буйруғи билан ҳамда Республика она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий маркази Фарғона вилояти филиалида 2024 йил 26-ноябрдаги 26-сон буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 9/41-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: 3D УТТ ва энергияли доплер орқали тухумдон резервининг паст даражасини эрта аниқлаш - аёлларда бепуштликка олиб келувчи кеч диагностика, ортикча инвазив ва руҳий зўриқиш келтирувчи текширувларнинг (масалан, лапароскопия, узоқ муддатли гормонал мониторинг) олдини олади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: бир беморни тўлиқ гормонал текширув ва инвазив диагностика асосида баҳолаш қиймати тахминан 2 100 000 сўмни ташкил этади. 3D УТТ ва доплер асосидаги баҳолаш усули билан 1.500.000 сўмгача маблағлар иқтисод қилинади. Хулоса: таклиф этилган усулдан фойдаланган ҳолда мақсадли текширув усулларидан фойдаланиш хисобига тадқиқот кўлами бўйича ( $n=110$ ) 165.000.000 сўм миқдорида бюджетдан ташқари маблағлар тежалишини таъминлайди;

**иккинчи илмий янгилик:** совуқ усулдаги кистэктомия ўтказилган гуруҳда АМГ даражаси ўртача 39,2%га пасайгани, абляциядан кейин 26,5%га пасайгани, склеротерапиядан кейин эса атиги 11,8%га пасайгани

кузатилганлиги билан склеротерапия усулининг тухумдон резервини сақлашда устунлигини исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 24-октябрда би-72/у сон билан тасдиқланган “Репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи генитал эндометриозни даволаш тактикасини оптималлаштириш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий маркази Наманган ва Фарғона вилояти филиалларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 9/41-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ташқи генитал эндометриозни жарроҳлик даволаш усулини танлашда қиёсий ёндашувдан фойдаланиш такрорий жарроҳлик аралашувлари ва операциядан кейинги асоратларнинг частотасини ишончли тарзда камайтириш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: беморнинг шифохонада 1 кунлик даволаниши: дори-дармон, озиқ-овқат, тиббий ашёлар учун жами 195.000 минг сўм миқдордаги давлат бюджети маблағлари сарфланади. Бир нафар аёлнинг шифохонада бўлиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириш 585.000 сўм давлат бюджети маблағлари иқтисод қилинишига имкон беради. Хулоса: беморларнинг шифохонада бўлиш муддатларини ўртача 3 кунга қисқартириш ва қайта жарроҳлик амалиётларини олдини олиш билан тадқиқот кўлами бўйича (n=110) 64.350.000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалишини таъминлайди.

**учинчи илмий янгилик:** тухумдон эндометриозини даволашда склеротерапия усулини қўллаш учун клиник-диагностик мезонлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у орқали киста ўлчами  $\leq 5$  см, АМГ  $\geq 1,5$  нг/мл, АФС  $\geq 7$  ва Допплер бўйича VI  $\geq 2,0$  бўлган беморлар энг мақбул номзодлар сифатида белгиланган, шунингдек, VI  $< 1,2$ , тухумдон капсуласининг фиброз зичлашуви ва оғир даражадаги адгезиялар ушбу усулга қарши кўрсатмалар сифатида аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 24-октябрда би-72/у сон билан тасдиқланган “Репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи генитал эндометриозни даволаш тактикасини оптималлаштириш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий маркази Наманган ва Фарғона вилояти филиалларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 9/41-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ЭКУ дан фойдаланиш частотасининг пасайиши, ижтимоий фаолликка тезроқ қайтиш, гормон терапияси харажатларининг пасайиши ва демографик кўрсаткичларнинг яхшиланишига асос бўлади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ЭКУ га бўлган эҳтиёжни камайиши ҳисобига бир

бемордан ўртача 50.000.000 сўм миқдордаги маблағлар иқтисод қилинади. Хулоса: Табиий репродуктив функцияни тиклаш ва ёрдамчи репродуктив технологияларга қарамликни камайтириш орқали тадқиқот кўлами бўйича (n=30) 1,5 миллиард сўм маблағлар иқтисод қилинишига имкон беради.

**тўртинчи илмий янгилик:** туғиш ёшидаги аёлларда тухумдон захирасини сақлаб қолиш ва репродуктив функцияни тиклашга йўналтирилган комплекс прегравидар тайёргарлик алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу алгоритм асосида тайёрланган беморлар гуруҳида табиий йўл билан ҳомиладорликка эришиш кўрсаткичи тайёргарликсиз гуруҳга нисбатан 2,6 бараварга юқори бўлгани ( $p < 0,01$ ) билан ушбу ёндашувнинг самарадорлиги исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 24-октябрда би-72/у сон билан тасдиқланган “Репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи генитал эндометриозни даволаш тактикасини оптималлаштириш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий маркази Наманган ва Фарғона вилояти филиалларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 9/41-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: фарзанд кўрмаган ва фаол репродуктив режаларга эга бўлган ёш аёллар учун бу алгоритм, уларнинг оилавий фаровонлигига, жамиятдаги барқарор демографик кўрсаткичлар ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: тухумдон эндометриомаси ташхиси қўйилган бир нафар аёлнинг прегравидар тайёрланиши (текширувлар ва дори-дармон) учун сарфланадиган харажат 500.000 сўмни ташкил этади. Таклиф этилган услубий ёндашув орқали текширувлар ва дори воситаларининг камайиши ҳисобига ҳар бир аёлдан 270.000 сўмгача маблағларни иқтисод қилинишига имкон беради. Хулоса: таклиф этилган усулдан фойдаланган ҳолда мақсадли текширув ва тавсия этилган даволаш алгоритмидан фойдаланиш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=110) 29.700.000 сўм миқдорида бюджетдан ташқари маблағлар тежалишини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган. Жумладан: 5 та мақола, улардан 4 та республика ва 1 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестасия комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган

адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

**Кириш** қисмида олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослантирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **“Ташқи генитал эндометриоз: тарқалиши, терминологияси ва таснифи, пайдо бўлиш назариялари”** деб номланган 1-бобида этиопатогенез ва ташқи генитал эндометриоз ривожланишининг хавф омилларини ёритиб берувчи замонавий илмий манбалардан умумий маълумотлар берилган. Терминологиянинг асосий жиҳатлари, касалликнинг клиник ва морфологик таснифи, шунингдек унинг келиб чиқишининг замонавий назариялари кўриб чиқилган. Эндометриозид гетеротопия шаклланишининг гормонал, иммунологик ва анатомик шартларига алоҳида эътибор берилган. Патологиянинг тарқалишининг минтақавий ва этник хусусиятлари, шунингдек, ёш ва репродуктив омилларнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда репродуктив ёшдаги аёлларда эндометриознинг ривожланишига ҳамроҳ касалликлар, шу жумладан юқумли касалликлар таъсири масалалари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Ташқи генитал эндометриозли аёлларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқот объектлари ва усулларини тавсифлашга бағишланган.


Дастлабки йўналишда турли даражадаги ташқи генитал эндометриоз билан касалланган, бепуштлик билан оғриган, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази, Андижон филиали гинекология бўлимига мурожаат қилган 110 нафар аёл текширилди. Тадқиқот давомида аёлларнинг клиник ҳолатини таҳлил қилишда улардан йиғилган анамнез, сўраб-суриштириш, объектив кўрув, клиник-лаборатор ва инструментал текширув натижаларидан фойдаланилган.

Кейинги босқичда ўрганилаётган беморлар аёлларнинг клиник ҳолатига қараб уч турдаги операциялар ёрдамида эндоскопик жарроҳлик даволаш тури ўтказилди. ТГЭ турига қараб, беморларга қуйидаги жарроҳлик аралашувлар ўтказилган: эндометриотик тўқималарнинг абляцияси, лапароскопик склеротерапия.

Тадқиқотнинг сўнгги босқичи эндометриоз билан боғлиқ бепуштликда ўтказилган жарроҳлик даволаш самарадорлигини баҳолашга

қаратилган бўлиб, прегравидар тайёргарлик даври (6 ой) давомида беморлар кузатилган ва спонтан ҳомиладорлик ҳолатлари қайд этилди.


Диссертациянинг “Ташқи генитал эндометриозли аёлларнинг гормонал ва жарроҳликдан кейинги хусусиятлари“ деб номланган учинчи бобида эндометриоз билан оғриган 110 аёлнинг клиник маълумотлари келтирилган. Уларнинг 46 нафари (41,8%) 18-25 ёшли, 64 нафари (58,1%) 25-35 ёшли аёллар бўлиб, энг катта улушни ташкил этган (1-расм).



**1-расм. Тадқиқот иштирокчиларининг ёш оралиғи ва тадқиқот гуруҳларида анти-мюллер гормон даражасининг нисбати.**

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларда антимюллер гормони (АМГ) даражаси ҳам ёшга қараб фарқланган: 18-25 ёш гуруҳидаги нормал АМГ даражасига эга бўлган аёллар 42% ни ташкил этган бўлса, 25-35 ёш гуруҳида бу кўрсаткич 27% ни ташкил этди. АМГ даражаси пасайган аёллар улуши 18-25 ёш гуруҳида 7% ва 25-35 ёш гуруҳида 24% ни ташкил этди.


Текширилаётган беморларда ҳайз кўриш ёши 11 ёшдан 15 ёшгача бўлиб, ўртача  $12,5 \pm 1,4$  ёшни ташкил этди. Кўп ҳолларда (64/58,1%) биринчи ҳайз кўриш 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган. 22 нафар беморда (20%) ҳайз кўриш 12 ёшдан олдин, 24 аёлда (21,8%) 14 ёшдан кейин содир бўлган (2-расм).



## 2-расм. Хайз цикли функциясининг хусусиятлари

78 аёлда (70,9%) хайз даврининг давомийлиги 25-29 кун орасида бўлган. 25 кундан қисқа давр 17 нафар (15,45%) аёлларда, 30 кундан ортиқ - 15 нафар (13,63%) аёлларда кузатилган. Барча беморларда хайз кўриш давомийлиги 5-7 кунни ташкил этди. 39 нафар (35,4%) беморда оғир хайз кўриш ҳақидаги шикоятлар, 102 та (92,7%) аёлда турли даражадаги дисменорея қайд этилган.


Текширилаётган беморларда жинсий ҳаётнинг бошланиш ёши ўртача  $21,12 \pm 2,4$  ёшни ташкил этди. Енгил ва ўртача диспареуния шикоятлари мос равишда 43 (39,1%) ва 67 (60,9%) беморлар томонидан қайд этилган. Кузатишларимизга кўра, касалликнинг давомийлиги ва эндометриоид ўчоқларининг ҳажми ортиши билан клиник шикоятлар оғирлигининг ошиши, шунингдек, тухумдонлар захирасининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди (3-расм).



## 3-расм. Эндометриоз билан оғриган беморларнинг асосий шикоятлари

3D трансвагинал ултратовуш текширувида “Кулранг шкала” натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда эндометриоид тухумдон кисталарининг ўртача диаметри 15-50 мм гача 37 та (34%) ҳолатда. 15 та (14%) беморларда бу кисталарнинг ўлчами 15 мм дан кам, 34 (31%) беморда эса диаметри 50 мм дан ошди. Бироқ, нисбатан катта ҳажмдаги тухумдон эндометриомаси (диаметри 60 мм дан ортиқ) фақат 10 нафар (9%) беморда қайд этилган (2.2-расм). Эндометриоид неоплазмаларнинг бир томонлама локализацияси 87 (79,3%) ҳолатда содир бўлган, мос равишда 23 (20,7%) ҳолатда эндометриоз билан тухумдонларнинг икки томонлама зарарланиши аниқланган.

Эндометриоид кисталарнинг кўп камерали (икки, уч камерали) табиати 10 нафар (9%) беморда (неоплазмаларнинг ўртача диаметри 60 мм дан ортиқ бўлган барча беморларда) қайд этилган, шу билан бирга кисталар нотўғри шаклга ега еди. Қолган барча 100 нафар (97%) беморлар ҳолатида тухумдон эндометриомаси бир камерали ва юмалоқ шаклда бўлган (4-расм).



4-расм. Эндометриоид тухумдон кисталарининг ултратовуш хусусиятлари

Тухумдонлар заҳирасининг ҳолати ва ултратовуш текшируви маълумотларига кўра, беморлар 3 гуруҳга бўлинган:

I гуруҳ - АМГ даражаси норма (5-10,2 нг/мл) ва бирламчи бепуштлик бўлган 34 нафар бемор, уларда эндометриома ҳажми 5см ва ундан ортган ошган. Ушбу гуруҳга "совуқ" режимда (юқори жарроҳлик энергиясидан фойдаланмасдан, аквадиссекция ёрдамида монофиламент сўрилиши мумкин бўлган лигатураларни қўллаш орқали аквадиссекция ва гемостаздан фойдаланган ҳолда) систематомия ўтказилди.

II гуруҳ - АМГ даражаси норма (5-10,2 нг/мл), бирламчи бепуштлик, ҳажми 5 см гача бўлган эндометриомалари бўлган 37 бемор. Беморларга эндометриоид киста абляцияси ўтказилди.

III гуруҳ - ташқи жинсий аъзоларнинг такрорий эндометриози, тухумдонлар заҳирасининг камайиши (0,5-4,5 нг/мл) ва ҳажми 3 см гача бўлган эндометриомалари бўлган 39 бемор. Бу гуруҳда лапароскопик усулда

аспирация ва склерозлаштирувчи эритмани юбориш усули ёрдамида эндометриомаларнинг склеротерапиясини ўтказилди.

Тухумдонлар захирасининг ҳолати жарроҳлик аралашувдан олдин (1-жадвал) ва кейин баҳоланди (2-жадвал).

1-жадвалда келтирилган таҳлил натижалари репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи генитал эндометриознинг клиник шакллари тухумдонлар функционал захирасига қандай таъсир кўрсатишини яққол намоён этади. Айниқса, эндометриоид тухумдон кисталари қайта ривожланган, яъни учинчи гуруҳга мансуб беморларда фолликулалар сони (AFC-  $6,4 \pm 1,36$ ) ва АМГ даражаси ( $1,6 \pm 0,6$  нг/мл) сезиларли даражада паст экани кузатилди. Ушбу кўрсаткичлар тухумдон резервининг чуқур бузилиши ва резервни сақлаб қолиш имкониятларининг чекланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, ФСГ даражасининг юқорилиги ( $9,9 \pm 1,2$  МЕ/л) гипоталамо-гипофизар тизим томонидан ўзгаришга компенсатор жавоб сифатида талқин этилиши мумкин. Бу ҳолат овулятор циклнинг бузилиши ва спонтан ҳомиладорлик эҳтимолининг камайиши билан бевосита боғлиқ. Гуруҳлараро солиштирма таҳлил натижаларига кўра, тухумдонларнинг қон билан таъминланишини тавсифловчи волуметрик ва перфузион кўрсаткичлар - VI ( $1,9 \pm 0,3$ ), FI ( $52 \pm 6,4$ ) ва VFI ( $1,9 \pm 0,4$ ) - учинчи гуруҳда ўртача юқорироқ кўрсаткичларни қайд этган. Бироқ бу параметрларнинг ортиши кўпинча нотўғри ангиогенез ва тўқималарда сурункали яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

### 1-жадвал.

#### Эндометриоид тухумдон кисталари бўлган беморларда тухумдонлар захирасининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
	n=37	n=34	n=39
AFC	10-12 $10,8 \pm 1,1$	10-14 $10,9 \pm 1,2$	6-9 $6,4 \pm 1,36$
VI	0,9-1,6 $1,4 \pm 0,6$	1,1-1,8 $1,7 \pm 0,8$	1,4-2,3 $1,9 \pm 0,3$
FI	35-47 $34,2 \pm 7,8$	37-54 $47,2 \pm 8,6$	47-58 $52 \pm 7,4$
VFI	1,3-2,1 $1,7 \pm 0,1$	1,8-2,7 $1,8 \pm 0,4$	1,7-2,4 $1,7 \pm 1,4$
ФСГ, МЕ/л	4,2-5,4 $4,1 \pm 0,9$	5,5-7,2 $6,5 \pm 0,8$	9,7-11,6 $9,3 \pm 1,2$
АМГ, нм/л	3,3-8,5 $3,9 \pm 0,8$	2,9-9,6 $4,9 \pm 1,1$	1,1-2,4 $1,1 \pm 0,6$

Натижаларига кўра, тухумдонлар захирасининг кўрсаткичлари амалга оширилган жарроҳлик аралашув усулига қараб сезиларли фарқ қилган (2-жадвал). Тухумдон эндометриомасига нисбатан цистэктомия жуда инвазив ва чуқур аралашув бўлиб, у антрал фолликуллар (AFC)нинг жиддий

шикастланишига олиб келади. Бу ҳолат тухумдонлар резервига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга қарамасдан, бизнинг тадқиқотимизда бу усул кисталарнинг катта ҳажмда бўлиши ва оғир даражадаги ёпишқоқ касаллик фонида қўлланилган бўлиб, камроқ инвазив усуллар кутилган даражадаги самарани бера олмаган.

## 2-жадвал.

### Операциядан кейинги тухумдонлар захираси кўрсаткичлари.

Кўрсаткич	Операциядан аввал	1-гурух	2- гуруҳ	3- гуруҳ
		кистэктомия	абляция	склеротерапия
AFC	5-12 6,8±1,3	5-8 5,7±0,9	6-9 5,9±1,2	5-7 6,2±1,5
VI	2,3-6,0 4,1±1,1	0,9-1,6 1,4±0,6	1,4-2,3 1,9±0,3	1,1-1,8 1,7±0,8
VO, см <sup>3</sup>	4,9-8,8 7,5±0,8	5-7 5,1 ± 0,9	4-9 6,9 ± 0,8	5-8 5,2 ± 0,7
FI	33-49 44,2±7,3	31-40 37,3±7,7	32-47 41,9±5,7	39-52 49,2±7,6
VFI	1,1-1,9	1,2-1,9 0,63±0,7	1,3-2,2 1,1±0,2	1,6-2,5 0,9±0,4
ФСГ, МЕ\л	7,7-10,4 6,3±1,2	4,5-6,8 6,3±1,2	6,1-24,5 12,±4,3	5,8-11,2 7,2±1,5
АМГ, нм\л	1,7-3,7 2,7±0,6	3,3-6,9 4,9±0,1	4,1-8,6 5,5±1,8	1,4-3,9 2,6±3,9

Натижаларга асосланиб таҳлил қилинганда, цистэктомия қўлланилган биринчи гуруҳ беморларида тухумдон ҳажмининг пасайгани кузатилди: VO -  $5,8 \pm 1,1$  см<sup>3</sup>, пастки чегараси эса 5 см<sup>3</sup> га тенг. Шу билан бирга, тухумдон захирасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган антрал фолликуллар сони ҳам пасайган (AFC -  $5,7 \pm 0,9$ ). Бу икки параметрнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги биологик жиҳатдан изоҳланади: тухумдон ҳажмининг камайиши, аввало, антрал фолликулларнинг камайиши билан боғлиқ. Абляция усули қўлланилган иккинчи гуруҳда эса ўртача VO ва AFC кўрсаткичлари мос равишда  $6,9 \pm 0,8$  см<sup>3</sup> ва  $6,9 \pm 1,2$  см<sup>3</sup> бўлиб, бу қийматлар биринчи гуруҳдаги кўрсаткичлардан иштирокчиларнинг статистик таҳлилига кўра ишончли даражада юқори (p<0,05) бўлди

Склеротерапия қўлланган учинчи гуруҳда эса тухумдон ҳажми (VO -  $6,2 \pm 1,7$  см<sup>3</sup>) ва антрал фолликуллар сони (AFC -  $6,2 \pm 1,5$ ) иккинчи гуруҳдаги кўрсаткичларга яқин бўлиб, систематомия билан даволанган беморларниқидан анча юқори еди (p < 0,05).

